O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ватан ҳимояси - иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 4 ноябрь, пайшанба № 132 (2020).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 4 ноября, 2004 г. № 132 (2020).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Тадао Чинони қабул қилди.

— Ўзбекистонда Сизни фақат Осиё тараққиёт банкидек нуфузли молия муассасаси раҳбари сифатида эмас, балки мамлакатимиздаги ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган дўст сифатида ҳам яхши билишади, — деди Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, ОТБ иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг яқин ва фаол ҳамкоридир. Банк ҳар уч йилда ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиб, ҳаётга изчил татбиқ этиб бормоқда.

Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликда транспорт ва шаҳар инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, таълим, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби муҳим соҳалар асосий ўрин эгаллайди.

Т. Чинонинг юртимизга бу галги ташрифи чоғида 2008 йилгача Ўзбекистонга 150 миллион АҚШ доллари миқдорида янги кредит ажратиш борасида келишувга эришилди.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлиги кўп томонлама асосда ҳам ривожланмоқда. Банк раҳбарияти Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида бошқа халқаро молия муассасаларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириб боришга қарор қилган.

ОТБ «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг транспорт, сув-энергетика ва озиқ-овқат консорциумларини тузиш концепцияларига қизиқиш билан қарайди. Ташкилотнинг октябрь ойида Душанбеда ўтган саммитида бу консорциумларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Айни пайтда ОТБ минтақа мамлакатлари билан ҳамкорликда бу қарорни ҳаётга жорий этиш масалаларини ўрганмоқда.

Ўзбекистон билан ОТБ ҳамда бошқа халқаро молия институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга оширишга ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга яқиндан кўмаклашаётгани учун ОТБ президенти Тадао Чино Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Учрашувда Ислом Каримов меҳмонга ана шу юксак мукофотни топширди.

Т. Чино бу юксак мукофот учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлигини янада кенгайтиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

(ЎзА).

● СЕРЖАНТЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБЛАРИДА



Радиостанция бошлиғи мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабининг курсанти Одилжон Ҳасанов (суратда) бугунги кунда битирув имтиҳонларини топширмоқда. Ҳадемай, профессионал посбон жонажон ўқув масканидан янги хизмат жойига жўнатилади.

Ярослав КОРУКА олган сурат.

## Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда

Шу кунларда Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чино расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида меҳмон бўлиб турибди. Ушбу ташриф чоғида Ўзбекистон ҳукумати ва Осиё тараққиёт банки умумий қиймати 164,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тўртта қўшма лойиҳани молиялаш тўғрисида кредит битимини имзолади.

Булар — «Бошоқли экинлар унумдорлигини ошириш» (26,0 миллион доллар), «Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш» (73,2 миллион доллар), «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» (40,0 миллион доллар), «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини такомиллаштириш» (иккинчи босқич, 25,0 миллион доллар).

Шунингдек, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларда Осиё тараққиёт банкининг ҳукумат кафолатларисиз иштирокини кўзда тутувчи Ўзаро англашув меморандуми ҳам имзоланди.

Меморандумга мувофиқ Осиё тараққиёт банки бошқа сармоядорлар билан биргаликда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Марказий Осиё жамғармасини ташкил этишга кўмаклашади.

Осиё тараққиёт банки мамлакатимизга кенг кўламли тузилмавий ислоҳотларни амалга оширишга ёрдам беришда халқаро молия ташкилотлари орасида етакчи ўринни эгаллайди.

1996 йилдан буён амалга ошириб келинаётган ҳамкорлик давомида Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонга транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, базавий ва ўрта махсус таълим, сув таъминоти, кичик бизнес, соғлиқни сақлаш, энергетика каби иқтисодиётнинг устувор тармоқларида 16 лойиҳани амалга ошириш учун 810 миллион АҚШ доллари ҳамда умумий қиймати 34 миллион долларга тенг 58 та грант ажратди.

Осиё тараққиёт банки 2004 йилнинг октябрида Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг 2005—2006 йилларга мўлжалланган янги дастурини тасдиқлади. Унга мувофиқ аҳолини сув билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни жиҳозлаш борасида ҳар йили 150 миллион долларгача бўлган миқдордаги 9 та устувор лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусига Осиё тараққиёт банки раҳбарияти юқори баҳо берди ва бу ташаббусни амалга оширишда ҳар томонлама ёрдам беришга тайёр эканини маълум қилди.

(ЎзА).

## Парвозга шай бўлишиб

Ҳадемай сержантлар тайёрлаш мактабларида навбатдаги битирув тантанаси бўлади. Шу кунларда мазкур ўқув масканларида давлат имтиҳонлари ниҳоясига етиб бормоқда. Маълумки, сержантлар тайёрлаш масаласига устувор бир аҳамият берилган. Бўлғуси кичик командирлар замонавий талаблар асосидаги шароитларда соҳани эгаллашмоқда. Моддий-ўқув базасини айтасизми, маданий-маиший шароитларни айтасизми... Пировард мақсад асл профессионалларни тайёрлашдир. Яқинда Марказий ҳарбий округ сержантлар тайёрлаш мактабида сафарда бўлганимизда давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшираётган, ҳарбий қисм ва бўлинмалар сари парвозга шайланаётган ўғлонлар билан суҳбатлашдим. Бугуннинг сержанти, деган тушунчага урғу берган ҳолда, уларнинг фикрларини тингладим.

(Давоми 2-бетда).

● 4 НОЯБРЬ — ЮНЕСКО ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

## Ўтмиш ва келажак робитаси

Нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Бу борада Ўзбекистон ва БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти— ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар алоҳида эътиборга лойиқ.

1946 йилда ўз фаолиятини бошлаган ЮНЕСКОга 185 мамлакат аъзо. У жаҳон халқлари ўртасида таълим, фан ва маданият, шунингдек, ахборот соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари билан шуғулланади. Ташкилотга аъзо мамлакатларда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиялар тузилган. Улар мазкур соҳаларни ривожлантириш учун масъул муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Мамлакатимиз 1993 йилда ЮНЕСКОга аъзо бўлиб кирган. 1996 йилда ташкилот бош қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида Ўзбекистоннинг ваколатхонаси иш бошлади. Ўтган ўн бир йил мобайнида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бормоқда.

1998 йили ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 155-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташкилотнинг олий мукофоти — Абу Али Ибн Сино номидаги олтин ме-

(Давоми 7-бетда).

● ТЕХНИКЕ — ЗАБОТУ И ВНИМАНИЕ

## ПОРЯДОК В ПАРКЕ— ПОРЯДОК НА ДОРОГАХ

**У воинов-автомобилистов — горячая пора. Продолжается перевод техники на режим эксплуатации в осенне-зимних условиях, ставится на хранение боевая техника, которая была задействована в ходе боевой учебы в летнем периоде обучения. С ростом в ходе военной реформы числа автотехники в гарнизонах усложняются задачи и тех, кто по роду службы призван контролировать соблюдение правил дорожного движения. О некоторых итогах работы военной автомобильной инспекции в прошедшем учебном периоде рассказывает начальник ХАН Министерства обороны Республики Узбекистан подполковник Тахир ИБРАГИМОВ.**

В ходе летнего периода обучения офицерами и военнослужащими по контракту нашей службы проводилась большая работа по предупреждению происшествий «военными» транспортными средствами в гарнизонах. Был организован систематический контроль за выполнением в каждой воинской части и учреждении требований приказов по обеспечению безаварийной эксплуатации техники, соблюдением водителями правил дорожного движения, воинской дисциплины в рейсах, а также за техническим состоянием транспортных средств, наличием и правильностью оформления путевых документов.

В ходе проведения занятий и учений не раз отличились старшие инспектора ХАН Министерства обороны капитаны Хасан Хамраев и Мураджон Фазилов. Опытные специалисты, имеющие большой опыт службы в различных гарнизонах и от-

(Окончание на 2-й стр.).

